

ЎзДЖТУ хузуридаги  
РИАИМ

Ўқув-услубий  
мажмуа

Таржима назарияси ва  
амалиёти (тиллар бўйича)  
Йўналиши тингловчилари  
учун

Ўқув-услубий  
мажмуа

2021

Таржима назарияси ва амалиёти  
(тиллар бўйича)

3.5. Таржиманинг лингвистик ва экстралингвистик  
таҳлили

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:**

ЎзДЖТУ

катта ўқитувчи У. Йўлдошева

**Тақризчи:**

ЎзДЖТУ доценти, ф.ф.д.

Х. Самигова

*Ўқув-услубий мажмуа ЎзДЖТУ хузуридаги РИАИМ Илмий- методик Кенгашининг 2020 йил 25 декабрдаги 10 - сонли қарори билан тасдиққа тавсия қилинган.*

## М У Н Д А Р И Ж А

I.	ИШЧИ ДАСТУРИ.....	3
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	10
III.	НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР.....	15
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР.....	28
V.	КЕЙСЛАР БАНКИ.....	57
VI.	ГЛОССАРИЙ.....	59
VII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	61

# **I. ИШЧИ ДАСТУР**

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаblари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни таржима таҳлили мақсади ва унга эришиш йўллари, таржима қилиш стратегиясининг лингвистик ва нолингвистик, ғайрилисоний ёки экстралингвистик омиллари, экстралингвистик билимлар лингвистик билимлар ва таржиманинг

адекватлиги, таржима муаммоларининг лингвистик ва экстралингвистик турлари, таржимани лингвистик ва экстралингвистик таҳлил қилиш компетенциялари бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Замонавий билимлар сари кенг йўл очиш, таълимотни такомиллаштиришда компаративистика, яъни қиёслашга асосланган методологиядан унумли фойдаланиш - бугунги куннинг талабига айланди.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларига таржима, тил, таржимашунослик, таржиманинг лингвистик ва экстралингвистик аспекти ҳақида маълумот бериш, таржима жараёнининг лингвистик ва экстралингвистик таҳлили, бу борадаги билимларини такомиллаштиришдан иборат.

### **Модулининг вазифалари:**

- “Таржиманинг лингвистик ва экстралингвистик таҳлили” модули бўйича педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

– таржима таҳлили мақсади ва унга эришиш йўллари билиш;

– таржима, тил, таржимашунослик, таржиманинг лингвистик ва экстралингвистик аспекти бўйича тингловчиларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

– таржиманинг лингвистик ва экстралингвистик таҳлилини ўқитишнинг илғор инновацион технологиялари билан таништириш;

– таржима матнининг лингвистик ва экстралингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш;

- таржима таҳлилида лингвистик ва экстралингвистик бўшлиқларни аниқлаш;

**Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Таржиманинг лингвистик ва экстралингвистик таҳлили” модули бўйича тингловчилар қуйидаги билим, кўникма, малака ва компетенцияларга эга бўлиши талаб этилади:

**Тингловчи:**

- таржимашуносликка оид фундаментал билимлар асосларини;
- таржима таҳлили мақсади ва унга эришиш йўлларини;
- таржиманинг лингвистик ва экстралингвистик хусусиятларини;
- экстралингвистик билимлар лингвистик билимлар ва таржиманинг адекватлиги;
- таржима жараёнига таъсир қилувчи омилларни;
- таржима муаммоларининг лингвистик ва экстралингвистик турларини;
- маданиятлараро мулоқат чоғида оғзаки ва ёзма нутқда учрайдиган таржима муаммоларини ҳал қилиш усулларини;
- таржиманинг лингвистик ва экстралингвистик таҳлилини иновацион технологиялар асосида ўқитиш ва баҳолашни **билиши керак.**

**Тингловчи:**

- таржиманинг лингвистик ва экстралингвистик категорияларини фарқлаш;
- муайян матнда берилган ахборот тушунчалари ва уларни таржима қилиш йўллари ва усулларини ўрганиш;
- матнинг лингвистик ва экстралингвистик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда таржима усулларини қўллаш;
- таржиманинг лингвистик ва экстралингвистик таҳлилини иновацион технологиялар асосида ўқитиш ва баҳолаш бўйича **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- таржимада учрайдиган лексик-семантик, грамматик, стилистик муаммоларни аниқлаш;
- турли жанрга тегишли матнларни лексик-семантик, грамматик, стилистик таҳлил қилишни ўрганиш;
- маданиятлараро мулоқатга асос бўладиган матнларни таржима қилишнинг лингвистик ва экстралингвистик қонуниятларини аниқлай билиш; таҳлил қилиш ва натижаларни таржима жараёнида қўллаш;
- таржиманинг лингвистик ва экстралингвистик таҳлилинини иновацион технологиялар асосида ўқитиш ва баҳолаш *малакаларини эгаллаши* лозим.

### **Тингловчи:**

- таржиманинг лингвистик ва экстралингвистик хусусиятларини ўқитишнинг назарий асосларини;
- таржиманинг лингвистик ва экстралингвистик муаммоларини коммуникатив ёндашувда ўқитиш ва баҳолаш асосларини;
- таълимни турли нутқ кўникмаларини ривожлантиришга йўналтиришни;
- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;
- интерактив мултимедиа воситаларидан фойдаланиш;
- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида таълим ва тарбия жараёнини бошқариш;
- таълим жараёнида тадқиқот усулларида фойдаланиш;
- медиасаводхонлик ва педагогик этика *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Таржимани ўқитиш дидактикаси”, “Таржима технологияси”, “Таржимада ахборот-коммуникация технологиялари”, “Махсус матнлар таржимаси” ўқув модуллари билан узвий

боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Олий таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги турдаги ўқув жараёнларини ташкиллаштиришда, айнан ушбу ўқув модули катта аҳамият касб этади.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				Мустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			
			жумладан			
			Жами	Назай		
1.	Таржима ва унинг лингвистик ва экстралингвистик таҳлили	2		2		
2.	Таржима қилиш стратегиясининг лингвистик ва нолингвистик, ғайрилисоний ёки экстралингвистик омиллари	2			2	
3.	Таржима матнини лингвистик ва экстралингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш босқичлари	2			2	
4.	Таржима муаммоларининг лингвистик ва экстралингвистик турлари	2			2	
5.	Таржима ва билим турлари	2			2	



6.	Таржимани лингвистик ва экстралингвистик таҳлил қилиш компетенциялари	2			2	
7.	Таржима таҳлилидаги замонавий йўналиш ва ёндашувлар	2			2	
	<b>Жами: 14 соат</b>	<b>14</b>		<b>2</b>	<b>12</b>	

### **Назарий таълим соатлари мазмуни**

#### **1-мавзу: Таржиманинг лингвистик ва экстралингвистик таҳлили**

«Таржиманинг лингвистик ва экстралингвистик таҳлили» тушунчаларини очиб бериш. «Таржиманинг лингвистик ва экстралингвистик таҳлили» курсининг мақсад ва вазифалари. Курснинг илмий фанлар тизимидаги ўрни. Таржиманинг лингвистик ва экстралингвистик таҳлили замонавий тенденциялари. Таржимани лингвистик ва экстралингвистик муаммолари.

### **Амалий машғулотлар мазмуни**

#### **1-мавзу: Таржима қилиш стратегиясининг лингвистик ва нолингвистик, ғайрилисоний ёки экстралингвистик омиллари.**

Таржима стратегиялари, таржиманинг лингвистик омиллари, таржиманинг экстралингвистик омиллари, таржимада муқобиллик, муқобиллик турлари, муқобиллик даражалари, таржимада муқобилликка эришиш, шакл ва мазмунни саклаш, тасвирий ифода, мулоқот мақсади, адекват таржима.

#### **2-мавзу: Таржима матнини лингвистик ва экстралингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш босқичлари.**

Таржима матни, таржима матни таҳлили ва унинг аҳамияти, таржима матни таҳлили босқичлари, таржима матнини лингвистик ва экстралингвистик таҳлил қилиш босқичлари.

### **3-мавзу Таржима муаммоларининг лингвистик ва экстралингвистик турлари**

Таржима муаммолари, таржиманинг лингвистик муаммолари, таржиманинг лексик, грамматик, стилистик, прагматик муаммолари, таржиманинг лингвомаданий ва экстралингвистик муаммолари.

### **4-мавзу: Таржима ва билим турлари.**

Таржима ва билим турлари, лингвистик ва лингвомаданий билимлар, таржимада таг билимларнинг (фоновые знания) аҳамияти, таржимон малакаси.

### **5-мавзу: Таржимани лингвистик ва экстралингвистик таҳлил қилиш компетенциялари.**

Таржимани лингвистик ва экстралингвистик таҳлил қилиш компетенциялари, рецептив ва репродуктив лингвистик компетенция, матн яратиш компетенцияси, коммуникатив компетенция.

### **6-мавзу: Таржима таҳлилидаги замонавий йўналиш ва ёндашувлар.**

Таржимашунослик ва таржима таҳлилидаги замонавий йўналиш ва ёндашувлар, таржима таҳлили, турлари ва босқичларининг янги парадигмалари.

### **Ўқитиш шакллари**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- ноанъанавий ўқитиш (интерактив, конференция, дебат);
- давра суҳбатлари (муҳокама этилаётган муаммо ва унинг ечими бўйича мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли рақамлар тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Тил	Тил - маданиятнинг қуроли, воситасидир. У халқ маданияти воситасида инсон шахсиятини, тил соҳибини шакллантиради.	
Таржима	Таржима- бир тилдаги матнни бошқа тилда қайта яратишдан иборат ижод	

	тури	
коммуникация	хабарни узатиш, фикр ва маълумотлар алмашинуви, яъни мулоқот қилишдир	
Лингвистик омиллар	Матн тузилмаси, грамматик, лексик, синтактик, стилистик хусусиятлари	

### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



### Таржима усулини таҳлил қилинг ва ушбу жадвалга туширинг.

<b>S</b>	Таржима жараёнида лексик бирликларни ўгиришда ёрдам беради	Лексик бирликларни тил сатҳлари бўйича таржима қилишга ёрдам беради
<b>W</b>	Қўшимача коннотатив маъноли сўзларни ўгиришда мужмаллик ҳосил қилиши мумкин	Ўзлаш сўзларни аниқ маъносини беришда муаммога учрайди
<b>O</b>	Таржимоннинг лингвистик компетенцияларини шакллантиришга ёрдам беради	Таржимонни профессионал компетенцияларини ривожлантиришга ёрдам беради
<b>T</b>	Тўсиқлар (ташқи)	таржима жараёнида учрайдиган типик “техник” қийинчиликларни

## Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айтилган пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

Таржима усуллари					
Лексик усуллар		Лингвокультурологик усуллар		Прагматик усуллар	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	Камчилиги и
<b>Хулоса:</b>					

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда семинар машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- катнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

<b>Ф</b>	• фикрингизни баён этинг
<b>С</b>	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
<b>М</b>	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
<b>У</b>	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Фикр:** Таржимон халқлар ўртасида воситачи

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### **Венн Диаграммаси методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у учта ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини турли аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

## II. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР

### 1-мавзу: ТАРЖИМАНИНГ ЛИНГВИСТИК ВА ЭКСТРАЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ

#### Режа:

- 1.1 Таржима таҳлилининг моҳияти
- 1.2 Таржиманинг лингвистик таҳлили
- 1.3 Таржиманинг экстралингвистик таҳлили

**Таянч тушунчалар:** таржима, таржима таҳлили, таржиманинг лингвистик аспекти, таржиманинг экстралингвистик аспекти, таржиманинг лингвистик таҳлили, таржиманинг экстралингвистик таҳлили.

#### 1.1 Таржима таҳлилининг моҳияти.

Таржима назарияси кейинги пайтларда жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Олимлар таржимашунослик олдида турган долзарб муаммоларни тадқиқ қилиш, шу асосда таржима амалиёти равнақи учун зарур илмий умумлашмалар яратишишига чинакамига киришиб кетдилар. Мазкур саъй-ҳаракатлар асосан таржиманинг тадқиқотчилар томонидан нутқ фаолиятининг алоҳида кўриниши сифатида тан олинаётганлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, эндиликда таржима масалалари кўпроқ тилшунослар эътиборини ўзига тортиб келмоқда.

Таржима амалиётини том маънода тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш зарурлиги тўғрисидаги фикр, аниқроғи, таржимашуносликни тилшуносликнинг ажралмас бўлаги сифатида тан олиш тахминан ўтган асрнинг иккинчи ярмида Холлидей, Рецкер, Федоров, Бархударов, Мунен, Каде, Нойберт, Швейцер, Райс, Латышев каби қатор олимлар томонидан илгари сурилиб, даставвал грамматик ҳолатлар, кейинчалик лексик, фразеологик, стилистик муносабатидан келиб чикиб



таржималар сифати тўғрисида хулосалар чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қуйган.

Ушбу қарашлар таржиманинг тилшунослик тадқиқининг вужудга келиши учун катта туртки бўлди ва таржимани лингвистик ва кейинчалик экстралингвистик таҳлили асосларининг ривожланишига замин яратди.

Таржима назариясини том маънодаги тилшунослик муаммоси таркибига киритиш жоизлиги тадқиқотнинг коммуникатив нуқтаи назардан олиб борилишини тақозо этади. Коммуникатив муносабат тиллараро мулоқот жараёнида иштирок этадиган барча омилларни ҳисобга олади. У таржима қилинаётган матн таркибида мужассамлашган маълумотлардан ташқари яна ахборот берувчининг матн ташқарисида акс этган мулоқот мақсадини ҳамда таржимоннинг баён этилган фикрни тўғри қабул қилиш учун зарурий маълумот, билим ва малакага эга бўлишини ҳам назарда тутадиги, мазкур омиллар таржима тилида тенг қийматли коммуникатив таъсирчанлик яратиш имкониятини беради. Таржима жараёнининг бундай муносабат таржиманинг лингвистик ва экстралингвистик таҳлилининг алоҳида мустақил соҳа сифатида ажратиш жоизлигини белгилайди.

Сўнги йилларда катта аҳамият касб этаётган таржима матнининг лингвистик ва экстралингвистик таҳлили Мундэй, Венути, Фрейзер, Норд ишларида ўз аксини топган. Сўнги йилларда таржима матнининг таҳлил қилишнинг турли моделлари яратилган ва таржима матнининг таҳлил қилиш учун зарур билим, малака ва кўникма турлари белгилаб берилган.

## **1.2 Таржиманинг лингвистик таҳлили**

Таржима амалиётини тадқиқ қилишнинг юқори натижали усули сифатида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўзининг самарадорлигини исбот қилаётган лингвистик таҳлил икки тил нутқий воситаларининг ўзига хос хусусиятларини доимо қиёслаб бориш билан чамбарчас боғлиқдир. Тиллараро мулоқотнинг алоҳида тури бўлмиш таржима турли тиллар матнларининг мазмунан тенг қийматлилигини тақозо этади.

Таржимани лингвистик таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги методлардан фойдаланиш мумкин:

1) қиёсий метод (чунки таржима икки тилни қиёслаш асосида амалга

оширилади);

2) таркибий қисмларга ажратиш ёки семаларга ажратиб таҳлил қилиш методи;

3) трансформация методи (икки тил турлари ва воситаларига хос хусусиятларни аниқлаб, натижаларни таҳлил қилувчи метод). Лексик, грамматик трансформациялар;

4) статистик таҳлил методи;

5) оппозицияли (қарама-қарши қўйиб таҳлил қилиш).

Бундан ташқари таржима методлари, яъни

1) маълумотларни қисқа ва лўнда қилиб ёзиб олиш (керакли жойларини қисқа қайд этиш) ва уларга таяниб ўгириш усули (масалан, оғзаки таржимада);

2) таржимада асл нусха материални маъноли бўлақларга ажратиб ўгириш усули (барча таржима турларида);

3) матнни лексик, грамматик трансформациялар орқали ўгириш усуллари:

а) оғзаки трансформациялар орқали ўгириш усули;

б) ёзма трансформациялар орқали ўгириш усули;

в) оғзаки-ёзма трансформациялар орқали ўгириш усули;

г) антонимик воситалар орқали ўгириш усули;

д) синонимик воситалар орқали ўгириш усули;

е) транскрипция орқали ўгириш усули;

ё) транслитерация орқали ўгириш усули;

ж) калька орқали ўгириш усули;

з) компенсация усули;

и) умумлаштириш усули;

й) конкретлаштириш усули;

к) ихчамлаштириш усулларинг ишлатилиши орқали таржима қилинган матнни грамматик, лексик-семантик, стилистик, фразеологик хусусиятлари қай даражада сақланиб қолганлигини нуқтаи назаридан таҳлил қилиш.

Демак, таржимани лингвистик таҳлил қилиш жараёнида (таржимадан олдин (pre) кейин (post) грамматик, лексик-семантик, стилистик, фразеологик омиллар билан биргаликда матн мавзуси ва тузилмаси узвийликда таҳлил қилинади.

### **1.3 Таржиманинг экстралингвистик таҳлили**

Маълумки, ҳар бир тил ўз тизимининг барча босқичларида беқиёс хусусиятларга эга. Бинобарин, турли жуфт тиллар орасидаги ўзига хос хусусиятларни муайян қилиш таржима назарияси ва амалиёти учун катта аҳамият касб этади. Бундай ҳолда икки тил тизимининг алоҳида бўғинларини киёсий ўрганиш уларнинг белгилари тизими орасидаги денотатив, коннотатив ва услубий мувофиқликларини муайян қилиш, мазмунни ва прагматик, лингвокультурологик, психолингвистик, когнитив, этнолингвистик мувофиқлик даражаларини аниқлаш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Табиийки, бундай пайтда тил тизимининг алоҳида унсурлари даражаларидаги эквивалентлик эмас, балки таржимада ўз аксини топган коннотатив, прагматик, лингвокультурологик, психолингвистик, когнитив, этнолингвистик вазифалар уйғунлиги асос қилиб олинади.

Экстралингвистик аспектлар ҳақида сўз бораркан, албатта, таржимда динамик (функционал) тенг маънолик тушунчаси ҳақида сўз юритамиз. Таржимада функционал тенг маънолилик тушунчаси америкалик олим Юднин Найда томонидан киритилган. Одатда таржимада тенг маънолилик аслият матнини таржима билан қиёслаш орқали аниқланади. Найда асл нусха матнини ўқиган киши билан таржима матнини ўқиган кишининг нечоғлик таъсирланганини таққослашни таклиф этади. Агар ўша таъсирланишлар ўзларининг умумий сифатлари билан бир-бирига муқобил бўлса, ўшанда

матн таржимаси аслиятга муқобил саналади. Шунини таъкидлаш керакки, таъсирланишлар муқобиллиги деганда этнолингвистик ва миллий маданий тафовутлар туфайли эришиб бўлмайдиган айнанлик эмас, балки ўхшашлик назарда тутилади. Ушбу концепция тушунчаси таржима муқобиллиги ҳақидаги барча нуқтаи назарлардан тубдан фарқ қилади.

Шундай қилиб, таржиманинг лингвистик таҳлили каби таржима матнининг экстралингвистик таҳлили ҳам катта аҳамият касб этади, бунда таҳлил жараёнида таржима матнинини коннотатив, прагматик, лингвокультурологик, психоллингвистик, когнитив, этнолингвистик нуқтаи назардан таҳлил қилиш тушунилади. Бунда, матн муаллифи, муаллиф интенцияси, матн реципиенти, маълумотни етказиш усули, жойи, вақти, сабаби ва коммуникатив ҳолат каби омиллар инобатга олинади.

#### **Саволлар:**

1. Таржиманинг лингвистик назарияси қачон пайдо бўлган?
2. Таржиманинг лингвистик назарияси қайси олимлар ишларида акс этган ва асосий тушунчалар нималардан иборат?
3. Таржима таҳлилининг моҳияти?
4. Таржиманинг лингвистик таҳлилида қайси омиллар нуқтаи назардан ёндашилади?
5. Таржиманинг экстралингвистик таҳлилининг асосий аспекти?

#### IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

##### **1-мавзу: Таржима қилиш стратегиясининг лингвистик ва нолингвистик, ғайрилисоний ёки экстралингвистик омиллари.**

Кейинги йилларда жаҳон тилшунослик ва хусусан таржимашуносликда лингвокультурология, лингвопрагматика, когнитив тилшунослик, психоллингвистика, этнолингвистика каби соҳаларда илмий тадқиқотлар антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида олиб борилмоқда. Бунда тилнинг инсон омилини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш бош мезон ҳисобланади.

Шу аснода, таржима жараёнини таҳлил қилишда ҳам социоллингвистика, когнитив тилшунослик, лингвопрагматика, психоллингвистика нуқтаи назаридан ёндошувлар амалга оширилмоқда. Таржима жараёнидан олдинги матн таҳлилида матннинг лингвистик хусусиятлари билан бирга матннинг антропоцентрик талқини, матннинг когнитив-семантик, психоллингвистик ва лингвокультурологик хусусиятлари ҳам инобатга олинади.

Таржима методлари, усуллари, стратегиялари қуйидагилардан иборат:

- 1) маълумотларни қисқа ва лўнда қилиб ёзиб олиш (керакли жойларини қисқа кайд этиш) ва уларга таяниб ўгириш усули (масалан, оғзаки таржимада);
- 2) таржимада асл нусха материални маъноли бўлақларга ажратиб ўгириш усули (барча таржима турларида);
- 3) матнни лексик, грамматик трансформациялар орқали ўгириш усуллари:
  - а) оғзаки трансформациялар орқали ўгириш усули;
  - б) ёзма трансформациялар орқали ўгириш усули;
  - в) оғзаки-ёзма трансформациялар орқали ўгириш усули;
  - г) антонимик воситалар орқали ўгириш усули;
  - д) синонимик воситалар орқали ўгириш усули;
  - е) транскрипция орқали ўгириш усули;

- ё) транслитерация орқали ўгириш усули;
- ж) калька орқали ўгириш усули;
- з) компенсация усули;
- и) умумлаштириш усули;
- й) конкретлаштириш усули;
- к) ихчамлаштириш усули;

- транскрипция ва транслитерация;
- конкретлаштириш (аниқлаштириш);
- генерализация (умумлаштириш);
- модуляция;

Таржима матнининг лексик, грамматик, синтактик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги метод ва стратегияларни қўллаш мумкин:

- синтактик мослашув;
- гапни бўлақларга бўлиб таржима қилиш;
- содда гапларни кушма гапларга айлантириб таржима қилиш;
- сўз шакллари, туркумлари ва гап бўлақларини алмаштириш.
- антонимик таржима;
- тасвирий таржима;
- компенсация.

-Транскрипция ва транслитерация усуллари.

Таржима матнинг эктстралингвистик омиллари, яъни коннотатив, прагматик, лингвокультурологик, психолингвистик, когнитив, этнолингвистик хусусиятлари ва матн муаллифи, муаллиф интенцияси, матн реципиенти, маълумотни етказиш усули, жойи, вақти, сабаби ва коммуникатив ҳолат каби омиллардан келиб чиққан ҳолда таржима стратегияси белгилаб олинади. Бу албатта, таржима жараёнидан олдинги таҳлил орқали амалга оширилади (препереводческий анализ, pre-analysis). Таржима стратегияси (мослаштириш, трансформация, эҳтимолий прогнозлаштириш) белгилаб олингандан сўнг компенсация, умумлаштириш,

конкретлаштириш, ихчамлаштириш, транскрипция ва транслитерация, модуляция каби усуллардан фойдаланиш мумкин.

Таржимада лингвистик ва экстралингвистик аспектлардан келиб чиққан ҳолда таржима стратегиясини танлашда айнан нималарга эътибор қаратиш керак:

Таржима жараёнида вужудга келадиган **лексик муаммолар**, уларнинг тўлиқ, қисман ва умуман мос келмаслик даражаларини ўрганиб чиқиш, тўлиқ лексик мувофиксизликда қўлланиладиган методларни тўғри ишлатиб билиш таржима сифатининг ошишига кўмаклашади. Бу борада муқобилсиз лексика, яъни хос сўзлар таржимасида қандай стратегия ва усулларни танлаш муаммоси алоҳида аҳамиятга эга.

**Грамматик аспектлардан** келиб чиққан ҳолда таржима стратегиясини танлашда морфологик ва синтактик тўлиқ муқобил, қисман муқобилликлар ёки умуман мос келмаслик ҳолатларини олмош, артикль, грамматик род, феъл ва бошқа грамматик категориялар орқали ўрганиш аҳамиятлидир.

**Стилистик аспектлардан** келиб чиққан ҳолда таржима стратегияларини танлашда аслият тилининг ўзига хослигини, ундаги стилистик буёқдорликни, услуб хусусиятларини, стилистик услублар ва уларнинг нутқдаги вазифасини, шу билан бир қаторда прагматик аспектларни таҳлил қилиш жоиз. Стилистик аспектлар ҳақида сўз борганда, албатта, бадий адабиёт таржимасида стилистик хусусиятларга тўхталиб ўтишимиз жоиз.

Таржиманинг стилистик муаммолари таржимондан бадий адабиётнинг кайта яратилишида муаллиф услубини сақлаш, ўзга маданиятга оид асар таржимасида услуб, шакл ва маънони бериш, асар қаҳрамонининг шахсини очиқ беришда стилистик буёқдор сўзлар таржимаси каби масалаларни бартараф этишни кўзда тутати.

Юқорида айтиб ўтилганидек, **экстралингвистик омиллардан** келиб чиққан таржима стратегиясини танлашда нутқнинг коннотатив, прагматик, лингвокультурологик, психоллингвистик, когнитив, этнолингвистик хусусиятлари ва матн муаллифи, муаллиф интенцияси, матн реципиенти,

маълумотни етказиш усули, жойи, вақти, сабаби ва коммуникатив ҳолат кабиларга эътибор бериш лозим.

### **Машқлар:**

**1.Қуйидаги мисолларда аслият матнинг лингвистик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда танланган таржим стратегиялари ва усулларини аниқлаб, таҳлил қилинг:**

**А) Аслият ва таржима тилларининг фонетик тизимларидаги тафовутлар:** absurdist - абсурдист (абсурд асар муал-лифи);

kleptocracy - клептократия (ўғрилар олий табакаси);

skateboarding - скейтбординг (роликли тахтада учиш).

Dorset - Дорсет;

Charles I - Карл I;

William III - Вильгельм III;

Edinburgh - Эдинбург.

### **Б) Лексик хусусиятлар**

superpower - сверхдержава - ҳукмрон давлат;

mass culture - массовая культура - оммавий маданият;

green revolution - зеленая революция - яшил революция;

land-based missile - ракета наземного базирования- ерда урнатилган ракета;

Rapid Deployment Force - силы быстрого развертывания - тез харакатланувчи кучлар;

transnational - транснациональный - трансмиллий;

petrodollar - нефтедоллар;

miniskirt - миниюбка.

Dinny waited in a corridor which smelled of disinfectant. - Динни ждала в коридоре, пропахшем карболкой. - Динни корбол кислотаси анқиётган коридорда кутиб турарди.

He was at the ceremony. - Он присутствовал на церемонии.-У маросимда иштирок этди.



At seven o'clock an excellent meal was served in the dining-room. - В семь часов в столовой был подан отличный обед. Соат еттида ошхонада аъло тортилди.

So what?» I said. - Ну и что? - спросил я. - Хуш, нима бўлибди? - сўрадим мен.

He told me I should always obey my father. - Он посоветовал мне всегда слушаться моего отца. - У менга доимо отамга итоат қилишимни маслахат берди.

Then this girl gets killed, because she's always speeding. - А потом эта девушка гибнет, потому что она вечно нарушает правила. - Кейин бу киз халокатга учради, чунки у доимо йўл харакати коидаларини бузиб юрарди. (Гапнинг конкрет маъноси: Она вечно превышает скорость. - У машинасининг тезли-гини доимо ошириб хайдарди).

Who won the game? I said. It's only the half. - А кто выиграл? - спрашиваю. - Еще не кончилось. - Ким ютди? - сўрайман мен. Хали тугагани йўқ. (Конкрет маъноси: Это же только первый тайм - Эндигина биринчи тайм бошланди).

I don't blame them. - Я их понимаю. - Мен уларни тушунаман. (Сабаб муносабати окибат

Manson slung his bag up and climbed into the battered gig behind a tall,

angular black horse. (A. Cronin) - Мэнсон поставил свой чемодан и влез в

расхлябанную двуколку, запряженную крупной костлявой черной лошадью.

(А. Кронин) - Менсон жамадонини куйиб, суякдор кора от қўшилган, икки ғилдиракли шалоқ аравага чикди. (А. Кронин).

### **В) Синтактик хусусиятлар**

I always remember his words. - Я всегда помню его слова. - Мен унинг сўзларини доим эслаб юраман.

The annual surveys of the Labour Government were not discussed with the workers at any stage, but only with the employers. - Ежегодные обзоры лейбористского правительства не обсуждались среди рабочих ни на каком этапе. Они обсуждались только с предпринимателями. - Лейбористлар ҳукуматининг йиллик ҳисоботлари ишчилар орасида (ҳеч бир доирада) муҳокама қилинмасди. Уларни факртгина тадбиркорлар билан муҳокама қилишарди.

Ўки Both engine crews leaped to safety from a collision between a parcels tram and a freight train near Morris Cowley, Oxfordshire. - Вблизи станции Морис Коули в графстве Оксфордшир произошло столкновение почтового и товарного поездов. Члены обе их поездных бригад остались невредимы,

спрыгнув на ходу с поезда. - Оксфордшир графлигидаги Морис Коули шохбекати яцинида почта ва товар поездларининг туқнашуви юз берди. Хар иккала поезд машинистлари тўқнашув пайтида сакрашга улгуришгани туфайли омон қолишди.

That was a long time ago. It seemed like fifty years ago. - Это было давно - казалось, что прошло лет пятьдесят. - Бу воқеалар содир бўлганига, чамамда, эллик йилларча бўлди.

The only thing that worried me was our front door. It creak like a bastard. - Одно меня беспокоило - наша парадная дверь скрипит как оголтелая. - Менинг ғашимга фақат бир нарса тегарди - кириш эшигимиз хаддан ташқари гичирларди.

### **Г) Грамматик хусусиятлари**

money (бирликда) - деньги (кўплик-да) - пул (бирликда); struggles (кўпликда) - борьба (бирлик-да) - кураш (бирликда) ва х.к.

We are searching for talent everywhere. (Бирликда) - Мы повсюду ищем таланты. (Кўпликда) - Биз ҳамма жойдан истеъдодларни қидиришимиз.

(Кўпликда). They left the room with their heads held high. - Они вышли из комнаты с высоко поднятой головой. (Бирликда) - Улар хонага бошларини ғоз тутганларича киришди. (Кўпликда).

Энг кўп таркалган грамматик трансформация тури - бу сўз туркумлари алмашинувида кузатилади. Бунда отларнинг феъл ва сифат билан алмашинуви кўпроқ учрайди. Қиёсланг:

He is a poor swimmer. - Он плохо плавает. - У ёмон сузади.

She is no good as a letter-writer. - Она не умеет писать письма. - У хат ёзишни билмайди.

I am a very rapid packer. - Я очень быстро укладываюсь. - Мен тезда йиғиштириб бўламан.

Australian prosperity was followed by a slump. - За экономическим процветанием Австралии последовал кризис. - Австралиянинг иктисодий гуллаб-яшнашидан кейин таназзуллар даври бошланди.

Бу холатни инглизча киёсий даража сифатлари таржимасида ҳам кўришимиз мумкин: The stoppage which is in support of higher pay and shorter working hours, began on Monday. - Забастовка в поддержку требований о повышении заработной платы и сокращении рабочего дня началась в понедельник. - Иш ҳақини кўпайтириш ва иш вақтини қисқартиришни кўллаб-қувватловчи иш ташлашлар душанба куни бошланди.

The last week saw an intensification of diplomatic activity. - На прошлой неделе наблюдалась активизация дипломатической деятельности. - Ўтган ҳафта дипломатик муносабатларнинг фаоллашуви кузатилди.

Nothing changed in my home town. - Все осталось прежним в моем родном городе. - Менинг она шахримда ҳамма нарса илгаригидек.

She is not unworthy of your attention. - Она вполне заслуживает вашего внимания. - У сизнинг диққат-эътиборингизга муносиб аёл.

The United States did not enter the war until April 1917. - Соединенные Штаты вступили в войну только в апреле 1917 г. - Қўшма Штатлар урушга 1917 йилнинг апрель ойидагина қўшилди.

Additional expenditures shall not be made unless authorized. -  
Дополнительные расходы должны производиться лишь с особого  
разрешения. - Қўшимча харажатлар махсус рухсат билангина амалга  
оширилади.

Антонимик таржимада аслиятдаги тил бирлиги таржима тилига қарама-  
карши маъно ифодаловчи бошқа сўз ёки иборалар билан ҳам ўгирилиши  
мумкин. Қиёсланг:

The railroad unions excluded negroes from their membership. - Профсоюзы  
железнодорожников не принимали в свои ряды негров. - Темир йўлчилар  
касаба уюшмаси ўз сафларига негрларни қабул қилишмасди.

Инглиз тилида инкор маъно without боғловчиси орқали ҳам  
ифодаланиши мумкин. Масалан:

He never came home without bringing something for the kids. -Приходя  
домой, он всегда приносил что -нибудь детям. - Уйига қайтишда у хар  
доим

болаларига бирор нарса олиб келарди.

**2.Қуйидаги мисолларда аслият матнинг лингвистик ва  
экстралингвистик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда танланган  
таржима стратегиялари ва усуллари аниқлаб, таҳлил қилинг:**

1. Питер Абрахамснинг «Қабрдаги гулчамбар» романи  
персонажининг

шикоятомуз оҳангда айтган I didn't sleep last night гапини ўзбек  
тилига

моддий жиҳатдан аниқ Кеча мутлақо ухламаган эдим тарзида ўгириш  
ҳам

табиий жаранглаган бўлар эди. Аммо санъаткорнинг ўз  
масъулиятига

ижодий ёндашиб, мазкур фикрнинг соф ўзбекча баёни ҳақида  
ўйлаши

жумланинг оғзаки нутққа хос Кеча мижжа қоқмаган эдим шаклидаги ажойиб

талқинини юзага келтирган: It gave me chance to sleep, I didn't sleep last night.

(WU, 131) – Ҳечқиси йўқ, қайтанга ухлаб олдим, кеча мижжа қоқмаган эдим. (ҚГ, 136).

2. Э. Хеменгуэйнинг «Алвидо, қурол» асаридаги “Девушки здесь увидели, что такое фронт” жумласини Иброҳим Ғафуров Бу онаси ўпмаган о й и м т и л л а л а р уруш нималигини шу ерга келиб билишган шаклида таржима қилади. Бу ерда қизларнинг ҳолати таржимон қўллаётган киноя бўёғига эга бўлган прагматик маъноли сўз орқали очиб берилади.

Қуйидаги прагматик эмоционал маъноли сўзларни таржима қилиб, таржима стратегияси ва усулига изоҳ беринг:

Money (нейтрал эмоционал).

Dough, Dash (салбий эмоционал).

Food (нейтрал эмоционал).

Meal, Dish (ижобий эмоционал).

Grub (салбий эмоционал).

To live (нейтрал эмоционал).

To hand out (салбий эмоционал).

The Prime-Minister spoke a few words from a window in No.10.

### **Саволлар:**

1. Таржима стратегияси ва усуллари фарқи нимада?
2. Таржима матнинг лингвистик аспектлари нима?
3. Таржима матнинг лингвистик аспектларидан келиб чиққан ҳолда қайси таржима стратегиялари ва усуллари қўлланилади?
4. Таржима матнинг экстралингвистик аспектлари нималардан иборат?

5. Таржима матнинг экстралингвистик аспекtlаридан келиб чиққан ҳолда қайси таржима стратегиялари ва усуллари қўлланилади?

## **2-мавзу: Таржима матнини лингвистик ва экстралингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш босқичлари.**

Таржима жараёнида таржима матнини тушуниш одатда уч босқичда содир бўлади:

**биринчи босқичда** матн сўзма-сўз, яъни филологик тарзда идрок қилинади.

Бу босқичда бир қанча таржима қусурлари рўй бериши мумкин: бошқа тилдаги бир сўзни худди шундай жаранглайдиган бўлак сўз билан қориштириш; яқин тилларда сохта эквивалентлар домига тушиб қолиш; контекстни нотўғри ўзлаштириш, айрим хос сўзларнинг маъносига тушуниб етмаслик; муаллифнинг муддаосини англамаслик;

**иккинчи босқичда** – услубий омилларга эътибор қилинади. Текстни тўғри ўқиган китобхон лисоний ифоданинг услубий омилларини ҳам англайди, яъни кайфият, пичинг ёки фожиавий маъно, охангдорлик ёхуд воқеани куруқ баён қилишга мойиллик ва ҳоказо. Росмана китобхон барча бу сифатларни англаб етиши шарт эмас, таржимон эса автор қандай қилиб тегишли натижага эришаётганини аниқлаши, тадқиқ этиши лозим. Таржима оддий ўқишга нисбатан китобга анча юқори талаб билан онгли муносабатда бўлиши талаб қилинади;

**учинчи босқич** – айрим тил воситаларининг услубий ва маъно-мазмунини англашдан таржимон асарнинг бадиий яхлитлигини, бадиий воқелик ҳодисаси, характерлар, уларнинг муносабати, авторнинг ғоявий ниятини англашга ўтади.

Таржима матнини лингвистик ва экстралингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш куйидаги босқичларда амалга оширилади:

- I. Таржимадан олдинги таҳлил босқичи (перепереводческий анализ текста)
- II. Таржима жараёнидаги таҳлил (вариантлар танлаш)

### III. Таржимадан кейинги таҳлил

Ушбу босқичларнинг кенгайтирилган шакли қуйидагича бўлади:

#### 1. Матн ҳақидаги ташқи маълумотлар таҳлили

- матн муаллифи
- вақт, жой ва коммуникатив ҳолат
- матн манбаи
- реципиент

#### 2. Маълумотнинг тузилиши ва турини аниқлаш

- когнитив
- оператив
- эмоционал
- эстетик

#### 3. Коммуникатив мақсад

#### 4. Жанр ва услуб

Бунда, қуйидаги лингвистик ва экстралингвистик омилларга эътибор қаратиш керак. Матннинг грамматик, лексик, синтактик стилистик, фразеологик аспекти билан бирга матннинг экстралингвистик омиллари, яъни коннотатив, прагматик, лингвокультурологик, психоллингвистик, когнитив, этнолингвистик хусусиятлари ва матн муаллифи, муаллиф интенцияси, матн реципиенти, маълумотни етказиш усули, жойи, вақти, сабаби ва коммуникатив ҳолат қабилар.

Матнни таҳлил қилиш жараёнида белгилаб олинган лозим асосий омиллардан бири бу таржима доминантини аниқлаш, яъни сақлаб қолиниши шарт бўлган маълумот.

Юқорида кўрсатилган таржима таҳлили боқичларини лингвистик ва экстралингвистик аспекти таҳлили қамраб олинган шаклда қуйидагича ифодалаш мумкин:

<i>Таржима таҳлили босқичлари</i>		
Таржимадан олдинги таҳлил (перепереводческий анализ текста)	Таржима жараёнидаги таҳлил (вариантлар танлаш)	Таржимадан кейинги таҳлил
Таржима доминантини аниқлаш; матн ташқи маълумотлар таҳлили: матн муаллифи, вақт, жой ва коммуникатив ҳолат, матн манбаи, реципиент; маълумотнинг тузилиши ва турини аниқлаш: когнитив, оператив, эмоционал, коммуникатив мақсад, жанр ва услуб таҳлилидан сўнг таржима стратегиясини танлаш.	Нутқнинг грамматик, лексик, синтактик, стилистик, фразеологик аспекти билан бирга унинг экстралингвистик омиллари, яъни коннотатив, прагматик, лингвокультурологик, психоллингвистик, когнитив, этнолингвистик хусусиятлари ва матн муаллифи, муаллиф интенцияси, матн реципиенти, маълумотни етказиш усули, жойи, вақти, сабаби ва коммуникатив ҳолат кабилардан келиб чиққан ҳолда таржима усуллари ва техникаларидан фойдаланиш ва жараёнда таҳлил қилиш.	Таржима таҳрири босқичи, таржима доминанти сақланиб қолганлиги, услуб ҳамоҳанглиги, прагматик мувофиқлик, грамматик, лексик, синтактик стилистик, фразеологик муқобиллик ҳолатлари, қўлланган трансформациялар таҳлили, экстралингвистик омиллар коннотатив, прагматик, лингвокультурологик, психоллингвистик, когнитив, этнолингвистик хусусиятлари ва матн муаллифи, муаллиф интенцияси, матн



		реципиенти, маълумотни етказиш усули, жойи, вақти, сабаби ва коммуникатив ҳолат каби аспектларнинг таржимада акс этиши.
--	--	---

## **Машқлар:**

### **1. Қуйидаги матн ва гапларни линвистик ва экстралингвистик таҳлил босқичларини белгилаган ҳолда таржима қилинг:**

А) Амир Темур ва Йилдирим Боязид ўртасидаги ҳал қилувчи олишув 1402 йил 20 июлда Анқаранинг шимоли-шарқидаги Чубук дарёси водийсида юз берган. Ўзбек қўшини 200 000, турк лашкари 160 000 ни ташкил этган.

Амир Темур одатдагидек жанговар қўшилмаларга ўз фарзанд ва набираларини бош этиб тайинлаган ҳамда улар ёнига тажрибали бекларни қўйган.

Ўнг қўлда шаҳзода Мироншоҳ ҳамда Шайх Нуриддинбек, Бурундукбек ва бошқа беклар, унинг қумбулида шаҳзода Або Бақр ва Жаҳоншоҳбек, Қаро Усмонбек ва бошқалар шай бўлганлар.

Сўл қўлда шаҳзодалар Шоҳрух, Халил Султон ҳамда Сулаймоншоҳбек, Ёдгорбек, Рустамбек ва бошқа беклар, унинг қумбулида шаҳзода Султон Ҳусайн ва Али Султонбек, Мусобек турганлар.

Ғулга Амир Темурнинг ўзи бошчилик қилган, шаҳзодалар Муҳаммад Султон, Пир Муҳаммад, Искандар ҳам бобоси кўз остида турганлар. Ғулнинг ўнг ва сўл қўлларига кўпни кўрган беклар тайинланган.

Катта-кичик қирқ бўлакдан иборат бари қўшин олдида 30 та жанговар фил олишувга шай қилинган, улар устида мерганлар ўтқазилган.

Усмонийлар қўшиннинг ўнг қўлига Йилдирим Боязиднинг қайниси серб кенаси Стефан, чап қўлига шаҳзода Сулаймон бош бўлганлар.

Йилдирим Боязиднинг ўзи ғулда турган ва ўғиллари Мусо, Исо ва Мустафоларни чағдавул қўйган.

Уруш Амир Темур буйруғи билан бошланган. Катта ва кичик ноғоралар, карнай, бурғулар ишга тушиб, уларнинг улкан ва кучли овози еру кўкни ларзага солган. Шаҳзода Або Бакр душман чап қанотига шиддатли хужум қилиш билан урушни очиб берган. Жаҳоншоҳбек ва Қора Усмонбек ҳам чап қанотга ташланганлар. Ғаним сафларидаги кучсизликни кузатиб турган Амир Темур “бир йўла от солинглар” буйруғини бергач, барча олға ташланади.

## Б)

1. As they passed in he looked at Paul as if he was a little mouse and the house was a trap.
2. Selfish, stupid and common that is what he was.
3. What deep wounds are ever closed without scar?
4. Honestly, I wished her happiness.
5. She is a nice girl, very nice girl, promising girl.
6. Who has not felt sadly sweet dream of home?
7. Society is now one polished horde,  
Formed of two mighty tribes the Bores and Bored.
8. The face of London was now strangely altered.
9. You have got a nice fox on you.
10. How clever it is not to take an umbrella when it is raining hard.
11. He had dancing thoughts.
12. His pen knows no compromise.
13. Her dresses always looked as if had been designed in a rage and put on in a tempest.
14. Negative actions must have positive results.
15. Doubting, dreaming dreams no mortals ever dared to dream before.

В) Binafsha, senmisan, binafsha — senmi,  
Ko‘chada aqchaga sotilgan.

Binafsha menmanmi, binafsha menmi,  
Sevgingga, qayg'ungga tutilgan?  
Binafsha, nimaga birozroq ochilmay,  
Bir erkin kulmasdan uzilding?  
Binafsha, nimaga hidlaring sochilmay,  
Yerlarga egilding, cho'zilding?  
Binafsha, Ayt menga,  
Kimlardir, ularkim, Ignani bag'ringga sanchalar?  
Binafsha, Bir so'yla,  
U qanday qo'llarkim,  
Uzalar, hidlaylar, yanchalar?  
Binafsha, shunchalar chiroyli yuzing bor,  
Nimaga uzoqroq kulmaysan?  
Binafsha, shunchalar tortguvchi tusing bor,  
Ko'nglimga isriqlik to'kmaysan?  
Binafsha, yig'lama, binafsha, kelberi,  
Qayg'ungni qayg'umga qo'shgil.  
Binafsha, sen uchun ko'kragim erk yeri,  
Bu yerdan ko'klarga uchgil.  
Binafsha, go'zalim, qayg'ulim, kelmaysan,  
Qayg'ung zo'r, qayg'umni bilmaysan,  
Menga bir kulmaysan.

### **Саволлар:**

1. Таржима жараёни босқичлари?
2. Таржима матнинг лингвистик аспектлари нима?
3. Таржима матнинг экстралингвистик аспектлари нималардан иборат?
4. Таржима матнинг лингвистик ва экстралингвистик таҳлили неча босқичдан иборат?

5. Таржима матнинг лингвистик ва экстралингвистик таҳлили матннинг қайси аспектларига эътибор қаратиш керак?

### **3-мавзу: Таржима муаммоларининг лингвистик ва экстралингвистик турлари**

Таржима муаммоларининг лингвистик ва экстралингвистик турлари ҳақида сўз бошлашдан олдин, таржима матнининг контексти ҳақида сўз юритиш керак. Маълумки, контекстнинг икки тури мавжуд: а) лингвистик (лисоний); б) ситуатив (вазият) контекст. Лингвистик контекст манба матндаги бошқа тил бирликлари орқали ясалса, ситуатив контекст манба матн юзага келган замон ва макон шароитларини ҳамда етказилаётган хабарни рецептор қоникарли даражада тушуниб олиши учун билиши керак бўлган фактларни ўз ичига олади. Таржимон манба тили бирликларига тегишли лингвистик ва ситуатив контекстларнинг тўғри таҳлилинини амалга ошириш орқалигина таржима тилига мос муқобиллик танлай олади ҳамда ушбу бирликларнинг мос маъносини ўз ўрнига қуяди.

Таржиманинг лингвистик муаммоларига қуйидагилар киради:

Таржима жараёнида вужудга келадиган **лексик муаммолар**, уларнинг тўлиқ, қисман ва умуман мос келмаслик даражаларини ўрганиб чиқиш, тўлиқ лексик мувофиқсизликда қўлланиладиган методларни тўғри қўллай билиш таржима сифатининг ошишига кўмаклашади. Бу борада муқобилсиз лексика, яъни хос сўзлар таржимаси масаласини чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Таржиманинг **грамматик муаммолари** таржима жараёнидаги морфологик ва синтактик тўлиқ муқобил, қисман муқобилликлар ёки умуман мос келмаслик ҳолатларини олмош, артикль, грамматик род, феъл ва бошқа грамматик категориялар орқали ўрганишдан иборат.

Таржиманинг **стилистик муаммолари** муаллиф услубини сақлаш, ўзга маданиятга оид матн таржимасида услуб, шакл ва маънони бериш, стилистик буюқдор сўзлар таржимаси каби масалалар киради.

Таржиманинг **фразеологик муаммолари** бу фразеологик бирликларнинг таржимада берилиши, тўлик, қисман ва муқобилсиз бирликларда мавжудлиги, муқобил вариантга эга бўлмаган фразеологик бирликларнинг қайси методлар орқали берилишидан иборат.

Таржиманинг **экстралингвистик муаммолари** бу таржиманинг кимга мўлжаллангани, аслиятнинг жорий-услубий жанр хусусиятлари ва ўқувчи савияси, коннотатив, прагматик, лингвокультурологик, психоллингвистик, когнитив, этнолингвистик хусусиятлари ва матн муаллифи, муаллиф интенцияси, матн реципиенти, маълумотни етказиш усули, жойи, вақти, сабаби ва коммуникатив ҳолат кабилар ва уларнинг таржима усуллари.

Таржима муаммоларининг лингвистик ва экстралингвистик турларини айрим ҳолатларини кўриб чиқсак:

Таржимада лексик муаммолардан бири бу хос сўзлар таржимаси. Хос сўзлар таржимасида, одатда, икки хил қийинчиликка дуч келинади:

- 1) аслият тилига хос сўзларга мос эквивалентнинг мавжуд эмаслиги;
- 2) аслият тилидаги хос сўзлар, мазкур халққа доир миллий, тарихий колоритни таржима қилинаётган тилда тулалигича ифодалашнинг мураккаблиги.

Шу нуқтаи назардан, хос сўзлар таржимасида қуйидаги ҳолатлар кўзга ташланади:

- 1) байналминал характердаги хос сўзлар. Таржимада улар ўз шаклида бирлашиши мумкин;
- 2) фақат маълум бир ҳудуд ёки миллатга хос воқеа-ходисалар. Улар шу миллат турмуш тарзига хос тушунчаларнигина ифодалайди. Агар таржимон бундай ўзига хосликни тушунмай, уни бошқа маъно ифодаловчи сўз билан ўгириб қуйса, асарнинг миллий колорити, сўз ифодалаган маънонинг ўзига хослигига путур етказган бўлади. Бундай ҳолларда хос сўзлар хорижий тилдаги шаклда берилиб, изохи ҳавола (сноска)да берилади.

3. Айрим хос сўзлар матн ичида ўзича колдирилиб, контекстнинг ичида изоҳи келтирилади. Шундай қилиб, хос сўзларнинг таржимасида қуйидаги усуллар кўпроқ кўзатилади:

- 1) транскрипция;
- 2) транслитерация;
- 3) таржима орқали янги сўз - неологизм ҳосил қилиш;
- 4) сўзма-сўз (калька) таржима қилиш;
- 5) маъноси яқинлаштирилган сўз билан ўгириш;
- 6) хос сўзни изохлаб баён қилиш;
- 7) контекстуал муқобил билан алмаштириш.

Грамматик муаммоларнинг бир тури бўлмиш морфологик муаммоларни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин:

**Қисман морфологик мувофиқлик** грамматик категориялар бир хил маънони бериб, маъноси маълум даражада фарқланганда юзага келади. Буни отлардаги келишик категориясида ҳам куриш мумкин. Иккала тилда ҳам келишикнинг маъноси бир хил, лекин улар сони ва ифодалаётган маънолари нуктаи назардан фарқланади. Инглиз тилида иккита, ўзбек тилида эса олтига келишик бор.

**Умуман морфологик мос келмаслик.** Бу ҳолатни грамматик категорияларнинг умуман мос келмаслигида кузатишимиз мумкин. Масалан, ўзбек тилида эгалик категорияси эгалик қўшимчалари орқали ифодаланади.

Ўзбек тилида English

Китоб-им my book

Китоб-инг your book

Китоб-и his/her book

Таржима прагматикаси муаммоси алоҳида ёндашувни талаб қиладиган соҳа ҳисобланади. Шунинг учун таржима жараёнида матннинг прагматик хусусиятларини инобатга олиш муҳим. Шу билан бирга, матннинг мазмуний-услубий бўёқдорлигини, сюжетнинг ифода даражасини ҳисобга олган ҳолда, лексиканинг стилистик жихатдан ўзига хослигини, фразеологик

бирликларнинг миллий-маданий хусусиятларини эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

### **Машқлар:**

1. Қуйидаги матн ва гапларда таржиманинг лингвистик ва экстралингвистик муаммоларини аниқланг:

1. For this reason when seafarers brought rock and roll records back from America in the '50s, Liverpool became inundated with the stuff and its influence was felt strongly by the younger generation, who turned Liverpool into one of the world's music capitals in the early '60s.

2. Air Lib, France's struggling airline, looked set to file for bankruptcy after the last potential investor walked away from the dept-crippled company, grounding all flights.

3. –How are you getting on at school Jack?

-Well, not bad I am trying to get ahead.

-Certainly you need one.

4 . I looked at the first of the Barons. He was eating salad - taking a whole lettuce leaf on his fork and absorbing it slowly, rabbit-wise - a fascinating process to watch. (Mansfield)

5 . Of course it's important. Incredibly, urgently, desperately important.

6 .Doctors were chatting about very pleasant things: tuberculosis, pneumonia and tonsillitis.

7. "I'll smash you. I'll crumble you. I'll powder you. Go to the devil! (Dickens)

8. O rose, thou art sick!

The invisible worm

That flies in the night

In the howling storm

Has found out thy bed

Of crimson joy;

And his dark secret love

Does thy life destroy. (W. Blake)

9. I vest you with full powers to solve any problems which may arise while I'm away.

10. After miles of walk through the jungles we discovered a really pristine beach with no sign of any tourists around.

11. Due to the increased demand on these goods, the majority of sales people find this business very lucrative.

12. When planning the business, we don't have to count on fickle customers. Today they may clean out the store, tricking us into increasing our investments, but the next day none of them will stop by.

13. Ночью Пантелей Прокофьевич, толкая в бок Ильиничну, шептал: Глянь потихоньку: вмести легли али нет?

Кечаси Пантелеи Прокофьевич Ильиничнанинг биқиннга туртиб шивирлади: Секин бориб қарагинчи, билла ётишибдими, йўқми?

14. ... их тут наши так тряханули, так чесанули, так бабахнули! Бой тут был страсть! Набито их ужась, ну, ужась сколько - бизникилар уларни шунақаям саваладики, шунақаям урдикки, шунақаям кирдики! Шу ерда шунақаям қиёмат жанг бўлдики! Уларнинг ўтақаси ёрилди, эх-хе, утақаси шунақаям ёрилдики, қаёққа қочишини билмай қолди.

15. Я люблю вас, не могу от тоски сидеть дома и встречаю один лишь индифферентизм с вашей стороны. (Чайка, Чехов)

Мен сизни севаман, соғинганимдан уйда ўтиролмаман... аммо сизнинг тарафингиздан факат бепарволик кўраман, холос.

16. Тухумдан чикдию, келтириб уни

Шу лойқа ҳовузга томон отдилар;

Ташландиқ ушоқ еб ўтади куни

Хору хас, хазонлар устин ёпдилар.

Дунёда кўргани шу тор ҳовузча

Ва мудроқ толларнинг аччиқ хазони

Менга алам қилар, тилла балиқча



Бир кўлмак ҳовуз деб билар дунёни

### **Саволлар:**

1. Муқобил таржима тушунчаси?
2. Таржимада лингвистик муаммолар?
3. Таржимада экстралингвистик муаммолар нималардан иборат?

### **4-мавзу: Таржима ва билим турлари.**

Таржима бу албатта ижодий жараён. аржимашунос олим Ғайбулла Саломов таржима жараёни уч босқичдан иборат эканлигини таъкидлайди.

Булар – қуйидагилар:

- 1) Асл нусхани идрок этиш;
- 2) Асл нусха интерпретацияси;
- 3) Асл нусхани қайта ифодалаш.

1. Асл нусхани идрок этишда матн сўзма-сўз идрок этилади. Мазкур босқичда таржимон олдида баъзи бир қийинчиликлар туради: Булардан: матнни нотўғри ўзлаштириш, яқин тилларда сохта эквивалентлар домига тушиб қолиш, матнда ишлатилган айрим хос сўзларнинг маъносига тушунмаслик кабилар киради.

2. Иккинчи босқичда таржимон муаллиф томонидан ишлатилган услубий омилларга эътибор қилиши назарда тутилади.

3. Учинчи босқичда таржимон муаллиф томонидан яратилган бадий воқеликни тўлалигича идрок этиши керак. Агар таржимон ҳақиқий санъаткор бўлса, асарда иштирок этувчиларнинг ўзига хос характер хусусиятларини, тилини, тўлалигича идрок этиб, кенг мушоҳада юритади.

Ушбу жараён учун таржимондан қандай билимлар талаб этилади:

Таржимон чуқур лингвистик билимлар билан бирга экстралингвистик омиллар ҳақида ҳам билимларга эга бўлиши лозим. Матннинг грамматик, лексик, синтактик стилистик, фразеологик аспекти билан бирга матннинг экстралингвистик омиллари, яъни коннотатив, прагматик, лингвокультурологик, психоллингвистик, когнитив,

этнолингвистик хусусиятлари ва матн муаллифи, муаллиф интенцияси, матн реципиенти, маълумотни етказиш усули, жойи, вақти, сабаби ва коммуникатив ҳолат кабилар аспектиларни таҳлил қилиш учун етарли лингвистик ва бошқа билимларга эга бўлиши лозим.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, таржима матни қуйидаги маълумотларни қамраб олар экан:

-когнитив

-оператив

-эмоционал

-эстетик

Шундай экан, аслият таржима матнини тўлиқ тушуниш ва уни муқобил таржима стратегиялари, усуллари ва вариантларини танлаб таржима яратиши учун таржимон:

**Лингвистик** - грамматик, лексик, синтактик стилистик, фразеологик билимлар ва **экстралингвистик** - лингвокультурологик, психоллингвистик, когнитив, этнолингвистик билимларга эга бўлиши лозим.

Айрим билим турлари ҳақида кенроқ тушунча берадиган бўлсак, масалан прагматик муқобилликни таржимада акс эттириш учун лингвистик билимлар етарли эмас. Сўнги йилларда тадқиқотчилар эътиборини кўпроқ жалб қилиб келаётган тил коммуникациясининг прагматик жихати мулоқот иштирокчиларининг қўшимча билимлари билан чамбарчас боғлиқ эканлиги эътироф этилмоқда. Аслият ва Таржима тиллари ғайрилисоний омилларининг аксарият ҳолларда ўзаро фарқланиши таржимондан чуқур лингвистик билимдан ташқари, яна аслият тили билан боғлиқ бошқа фанлар, маданиятлар, урф-одатлар, анъаналар ҳақидаги маълумотлардан ҳам хабардор булишни талаб қилади. Тил белгилари ва улардан фойдаланадиган шахслар уртасидаги прагматик муносабатлар шундан иборатки, бу белгилар, аниқроғи, уларнинг маънолари шахслар учун тушунарли булиши, уларни маълум даражада таъсирлантириши керак. Ахборот шу йўсинда талқин қилинганда, аслиятнинг коммуникатив ва прагматик таъсирчанлиги саклаб

қолинади. А. Ф. Ширяевнинг фикрича, лингвистик таржима назарияси кулга киритган билимлар тил воситаларининг нутқ фаолиятидаги вазифаларини, тилларнинг тафовутли ва ўхшаш томонларини, уларнинг бадий-тасвирий бойликларини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради.

Тилларни қиёсий таҳлил қилиб билиш, тил тизимлари буйича чуқур билимлар ҳам муҳим ўрин тутди. Масалан, грамматик билимлар таржимонга тилнинг морфологик ва синтактик тизимларини солиштириш ва таржима стратегияларини танлашга ёрдам беради.

Француз, ўзбек, рус тиллари типологик ва генетик жиҳатдан турли хил тиллардир. Француз ва рус тиллари хинд –европа тиллар оиласининг роман ва славян гуруҳларига киради. Ўзбек тили эса Олтой тиллар оиласининг туркий тиллар гуруҳига мансубдир .

Морфологик жиҳатдан француз тили аналитик, рус тили синтетик

хусусиятга, ўзбек тили аглутинатив (грамматик шакл ва ясама сўзларнинг сўз ўзаги ва негизига аффикслар қўшилиши натижасида ясаладиган тилдир .

Грамматик турланиш категорияси рус ва ўзбек тилларига хос.

Француз тилида гаплардаги сўз тартиби қатъий .

S+P – Elle parle. Les enfants contents .

Агар кесим транзитив феъл билан ифодаланса:

S – P – COD. – Le professeur explique la règle .

Les tudiants crivent les exercices.

Гап бўлаклари таркибидаги ҳар қандай ўзгариш маънонинг бузилишига олиб келади . Грамматик мувофиқликнинг 3 тури мавжуд: 1. тўлиқ; 2. қисман; 3. номувофиқлик ;

Грамматик мувофиқликни 2 қисмга бўламиз: -Морфологик; Синтактик ;

1. Тўлиқ морфологик мувофиқлик грамматик категориялар бор бўлганда кузатилади. Масалан: замон категорияси; сон категорияси; нисбат категорияси;

Je parle –я гаворю – Мен гапиряпман .

Nous parlons – мы говорим – Биз гапиряпмиз .

Parlez! Говорите! Гапиринг !

Les йtudiants - студенты - талабалар .

1. Қисман морфологик мувофиқлик тиллардаги грамматик категориялар бир-бирига мос келмаган ҳолларда кузтилади .

Масалан: келишик – рус тилида 6 та – ўзбек тилада 6 та – француз тилида йўқ  
Бундай ҳолларда одатда тилдаги бошқа воситалар билан ифодаланади .

Морфологик номувофиқлик тилда грамматик категорияларнинг мос келмаслигида кузатилади. Масалан: ўзбек тилида эгалик грамматик категорияси мавжуд. У аффикслар орқали ифодаланади, бу грамматик категория француз тилида ҳам рус тилида ҳам йўқ.

O`zbek	Rus	Fransuz
Kitobim -	моя книга -	mon livre
Оиламиз -	наша семья-	notre famille

Француз тилида аниқлик ва ноаниқлик артикллар орқали ифодаланади. Ўзбек ва рус тилларида эса бу грамматик категория лексик ва синтактик воситалар орқали ифодаланади.

Un soir je suis allй au cinйma

Бир куни кечқурун мен кинога бордим

Однажды вечером я пошла в кино

Un homme est entrй dans la chambre

Какой-то человек вошёл в комнату

Қандайдир бир киши хонага кирди

### **Машқлар:**

1. Қуйида келтирилган таржима муаммоларида муқобил таржима стратегияси ва усуллари танлаш учун зарур билимлар турини аниқланг (ЛБ), (ЭБ):

1. Таржимада лексик эквивалентсизлик
2. Таржимада стилистик буёқдорлик
3. Таржимада импликатура масаласи

4. Таржима матнида реалиялар
  5. Таржимада рецепиент масаласи
  6. Таржиманинг матнинг синтактик тузилмаси
2. *Таржима материаллари таҳлили (мустақил иш)*

#### **Саволлар:**

1. Таржима ва билим турлари?
2. Лингвистик билимлар нималардан иборат?
3. Таржимада экстралингвистик билимлар зарурияти?

#### **5-мавзу: Таржимани лингвистик ва экстралингвистик таҳлил қилиш компетенциялари.**

Таржимоннинг касбий компетенцияси аслият ва таржима тиллари, матнинг коммуникатив хусусияти, матн орқали коммуникатив мақсадларга эришиш, таржима ва маданият ўртасидаги боғлиқлик каби аспектларни тушуниш таҳлил қилишдан иборат. Сўнги йилларда таржимоннинг касбий компетенциясини шакллантиришга интеграл ёндашув, техник малакалар, тил борасидаги маҳорат, терминология ва терминографияни такомиллаштириш, таржимон компетенциясини баҳолаш, таржима жараёнида икки тил маданиятида сўзлар муқобиллигини топиш, таржимонлар йўл қўядиган типик хатоларнинг олдини олишга қаратилган корректив машқлар ва таржима таҳлили орқали ёндошув алоҳида аҳамиятга моликдир. Шу жиҳатдан таржимон тайёрловчи муассасаларнинг ўқув дастурларида таржимоннинг лингвистик, социолингвистик, прагматик ва маданиятлараро мулоқот компетенцияларини шакллантириш орқали таржимоннинг касбий компетенциясини ривожлантириш бевосита таржимада шеърий ва насрий таржиманинг ўзига хос хусусиятлари, таржимада ассонанс ва диссонанс ҳолатлар, таржиманинг лингвомаданий муаммолари, прагматик муаммолари, прагматик ассоциация, реалиялар таржимаси, ўқувчига адекват таржимани тақдим этиш долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Таржимонлик компетенцияси таржимоннинг касбий маҳорат ва имкониятларини характерловчи тушунча бўлиб, Европа Кенгаши томонидан ишлаб чиқиладиган таълим стандартларида, шунингдек, ўзбек ва чет эл мутахассисларининг илмий мақолаларида кенг ёритиб келинмоқда. А.Биби ва Д.Энсингерлар томонидан таржимонлик компетенцияларига лингвистик(лексик, грамматик, дискурсив билим, малака ва кўникмалар), таржима назарияси, тил назарияси, маданиятга оид билимлар, таржиманинг махсус соҳаларда фойдаланиладиган билимларни ўз ичига олувчи экстралингвистик компетенцияларни, матнни тушуниш, очиш, перефразалаш, шаклини ўзгартиришни ва умуман олганда таржима жараёнини ўз ичига олган замонавий технологияларни билишни, касбий компетенция, диққатни жамлаш, хотирани мустаҳкамлаш билан боғлиқ, психофизиологик сифатлар когнитив қобилият, муайян психологик тавсиф, таржима компетенцияси ва бошқаларни киритиши зарурлигини қайд этганлар. Таржимонлик компетенцияси (Translation competence) билан боғлиқ масалаларни ўрганган испан мутахассислари В.Монтальт Рессуррекьо, П.Эспелета Пиорно ва И.Гарсиа Искуэрдолар матн категорияларини, энг аввало, жанрни тушунишда асосий восита бўлиши лозим деб таъкидлайдилар.

Таржиманинг лингвистик ва экстралингвистик таҳлили учун зарур компетенциялар қуйидагилардан иборат:

- тил компетенцияси (аслият ва таржима тилларини билиш);
- коммуникатив компетенция;
- таржима компетенция (таржима қилиш малакаси);
- техник компетенцияси (ахборот билан ишлаш малакаси);
- шахсий фазилятлар (хотирани ривожлантириш)
- тинглаш кўникмаси;
- мнемотехника кўникмаси;
- трансформациялаш кўникмаси;
- тилдан тилга ўтиш кўникмаси;

- нутқий механизмларни бошқариш кўникмаси;
- оғзаки нутқ техникаси кўникмаси;
- таржима суръати;
- таржима учун мўлжалланган матнни тинглаш кўникмаси.

Комиссаров таржимон компетенцияларини қуйидагича тавсифлайди:

Тил билиш	Коммуникатив	Матн тузиш	Техник	Шахсий
Тил тизими, узуси, лексик, грамматик, дискурсив омилларни таҳлил қилиш	Имликатура, реципиент, прагматик аспектларни таҳлил қилиш	Турли типдаги матнлар тузиш	Таржимонлик фаолиятини олиб бориш учун махсус компетенциялар	Тинглаш, хотира ва диққатни жамлаш ва ҳоказо

Шу ўринда озроқ таржима методологиясига тўхталиб ўтсак. Таржимонлик йўналишидаги талабалар оғзаки нутқини ўстириш тили ўрганилаётган мамлакат тили ва маданиятини бир вақтда ўргатишдан бошланишни тақозо қилади. Ҳар қандай таржима жараёни икки тил – икки маданиятнинг ўзаро мулоқоти бўлиб, маданиятлараро мулоқот тўғри, холис талқин қилиниши билан бирга маданиятлараро мулоқотни ўрганишга катта ўрин берилади. Шунингдек, таржимон тайёрлашнинг лингвомаданий муаммолари маданиятлараро мулоқотнинг ўрни, таржимада маданий мослашиш ҳолатлари ҳамда чет тил дарси маданиятлараро учрашув чорраҳаси сифатида ўрганишни тақозо қилади.

Ўқитиш методикасига таълимни ривожлантириш қондаси сифатида йўналишлараро алоқалар ва услубий тизимнинг яхлитлигини таъминлайдиган «интеграция» тушунчаси таржимага ўқитиш тизимига шахсга ёки фаолиятга оид, шунингдек, ижтимоий-маданий ва дискурсив

лингводидактик ёндашувларни интеграциялаш тамойилларини юзага келтирди. Бундай билим ва маҳорат кўникмаларини эгаллашда қуйидаги таржимон тайёрлашни ташкил этишнинг умумий тамойилларини ўзлаштириш талаб этилади:

- таржимонларни тайёрлашда шахс сифатида ёндашув тамойили;
- таржимотларни тайёрлашда фаолиятли ёндашув тамойили;
- таржимонлар тайёрлашда ижтимоий-ёндашув тамойили;
- таржимонлар тайёрлашда дискурсив ёндашув тамойили.

Таржимонлик компетенцияси таржимоннинг касбий маҳорат ва имкониятларини характерловчи тушунча бўлиб, Европа Кенгаши томонидан ишлаб чиқилаётган таълим стандартларида, шунингдек, ўзбек ва чет эл мутахассисларининг илмий мақолаларида кенг ёритиб келинмоқда. А.Биби ва Д.Энсингерлар томонидан таржимонлик компетенцияларига лингвистик (лексик, грамматик, дискурсив билим, малака ва кўникмалар), таржима назарияси, тил назарияси, маданиятга оид билимлар, таржиманинг махсус соҳаларда фойдаланиладиган билимларни ўз ичига олувчи экстралингвистик компетенцияларни, матнни тушуниш, очиш, перефразалаш, шаклини ўзгартиришни ва умуман олганда таржима жараёнини ўз ичига олган замонавий технологияларни билишни, касбий компетенция, диққатни жамлаш, хотирани мустаҳкамлаш билан боғлиқ, психофизиологик сифатлар – когнитив қобилият, муайян психологик тавсиф, таржима компетенцияси ва бошқаларни киритиши зарурлигини қайд этганлар. Таржимонлик компетенцияси (Translation competence) билан боғлиқ масалаларни ўрганган испан мутахассислари В.Монтальт Рессуррекьо, П.Эспелета Пиорно ва И.Гарсиа Искуэрдолар матн категорияларини, энг аввало, жанрни тушунишда асосий восита бўлиши лозим деб таъкидлайдилар. Чунки таржимон тайёрлашда касбий фаолиятни шакллантириш билан бирга ғоя жанр, стиль ва таржима методлари орасида боғлиқлиги муҳимдир.



«Competences for professional translators, experts in multilingual and multimedia communication» («Профессионал таржимон, кўп тиллилик ва мультимедиавий алоқа соҳаси мутахассисларига қўйиладиган талаблар») номли умумевропа ҳужжатида таржимонлик фаолияти компетенциялари доираси аниқланди. Ҳужжат муаллифлари «компетенция» деганда муайян шароитларда аниқ касбий вазифаларни бажаришда керак бўладиган қобилият, билим, малака ва ҳулқнинг бирикмасини назарда тутадилар ва компетенциянинг 6 турини: лингвистик, тематик, маданиятлараро, технологик, ахборот ва таржима хизматларини кўрсатиш (Translation service provision) компетенцияларини қайд этадилар.

Ёзма таржима буюртмасини бажаришда таржимон ўзининг она тили бўлган рецептор-тилда ёзади ёки таржима тили (ТТ) бошқа тилга қилинаётган бўлса, у ҳолда таржимага ўта жиддий ёндашиш лозим. Бунда нутқ услуби ва регистри билан бевосита боғлиқ бўлган тил мароми (ритми)ни сақлаб қолишда таржимон учун фойдали маълумотлар ва халқаро таржима стандартларини таклиф этиш мақсадга мувофиқдир.

### **Машқлар:**

**1. Таржима методологияси.** Таржиманинг лингвистик ва экстралингвистик таҳлили учун зарур қўйида келтирилган компетенцияларни шакллантириш усуллари ва машқларига мисоллар келтиринг.

- лингвистик компетенция;
- коммуникатив компетенция;
- таржима компетенция (таржима қилиш малакаси);
- техник компетенцияси (ахборот билан ишлаш малакаси);
- шахсий фазилатлар (хотирани ривожлантириш)
- тинглаш кўникмаси;
- мнемотехника кўникмаси;
- трансформациялаш кўникмаси;
- тилдан тилга ўтиш кўникмаси;
- нутқий механизмларни бошқариш кўникмаси;

- оғзаки нутқ техникаси кўникмаси;
- таржима суръати.

### **Саволлар:**

1. Таржимон компететияси тушунчаси?
2. Таржима таҳлили учун зарур лингвистик компететиялар?
3. Таржима таҳлили учун зарур экстралингвистик компететиялар?
4. Таржима таҳлили учун зарур компетенцияларни ривожлантириш методологияси?

### **6-мавзу: Таржима таҳлилидаги замонавий йўналиш ва ёндашувлар.**

Таржима таҳлили тушунчасини шаклланишини ўрганиш учун даставвал таржима фаолиятини тилшунослик объектига айланиши давридан бошлашимиз лозим.

Таржима амалиётини том маънода тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш зарурлиги тўғрисидаги фикр, аниқроғи, таржимашуносликни тилшуносликнинг ажралмас бўлаги сифатида тан олиш тахминан ўтган асрнинг иккинчи ярмида Холлидей, Рецкер, Федоров, Бархударов, Мунен, Каде, Нойберт, Швейцер, Райс, Латышев каби қатор олимлар томонидан илгари сурилиб, даставвал грамматик ҳолатлар, кейинчалик лексик, фразеологик, стилистик муносабатидан келиб чиқиб таржималар сифати тўғрисида хулосалар чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қуйган.

Ушбу қарашлар таржиманинг тилшунослик тадқиқининг вужудга келиши учун катта туртки бўлди ва таржимани лингвистик ва кейинчалик экстралингвистик таҳлили асосларининг ривожланишига замин яратди.

Таржима назариясини том маънодаги тилшунослик муаммоси таркибига киритиш жоизлиги тадқиқотнинг коммуникатив нуқтаи назардан олиб борилишини тақозо этади. Коммуникатив муносабат тиллараро мулоқот жараёнида иштирок этадиган барча омилларни ҳисобга олади. У таржима қилинаётган матн таркибида мужассамлашган маълумотлардан ташқари

яна ахборот берувчининг матн ташқарисида акс этган мулоқот мақсадини ҳамда таржимоннинг баён этилган фикрни тўғри қабул қилиш учун зарурий маълумот, билим ва малакага эга бўлишини ҳам назарда тутадик, мазкур омиллар таржима тилида тенг қийматли коммуникатив таъсирчанлик яратиш имкониятини беради. Таржима жараёнинг бундай муносабат таржиманинг лингвистик ва экстралингвистик таҳлилининг алоҳида мустақил соҳа сифатида ажратиш жоизлигини белгилайди.

Таржима матнинг лингвистик ва экстралингвистик таҳлили нисбатан янги қарашлар деб айтишимиз мумкин. Таржима матнинг лингвистик ва экстралингвистик таҳлили Мундэй, Венути, Фрейзер, Норд, Гараева, Гиниятулина ишларида ўз аксини топган. Сўнги йилларда таржима матнини таҳлил қилишнинг турли моделлари яратилган ва таржима матнини таҳлил қилиш учун зарур билим, малака ва кўникма турлари белгилаб берилган.

Кристиан Норд “Text Analysis in Translation: theory, Methodology and Didactic Application of a Model for Translation-Oriented Text Analysis” дарслигида таржима матнини таҳлил қилишнинг моделлари, босқичлари ва таржима матнини таҳлил қилиш учун зарур билим, малака ва кўникма турлари ва уларни шакллантириш йўллари яъни таржима таҳлили методологиясини белгилаб берган.

Гараева, Гиниятулиналар “Переводческий анализ” китобида таржима таҳлилининг лингвистик ва экстралингвистик омиллари, таржима таҳлили босқичлари ва таржима матнида маълумот турлари классификацияси каби масалаларга тўхталиб ўтишган.

Таржимашуносликни замонавий аспекти соҳасида, хусусан таржима таҳлили соҳасида юртимизда илмий изланишлар нисбатан кам. Таржима таҳлили лингвистик назариянинг асосий масаларидан бирига айланган. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Икки ёки бир нечта тилда лисоний ва услубий унсурларнинг

эквивалентлик (муқобил) муносабатларини ўрганиш.

2. Таржима жараёнининг қонуниятлари тамойилларини ишлаб чиқиш.

3. Таржималар матнини таҳлил қилиш схемаларини (андозаларини) яратиш. таржима интерпретацияси

Кейинчалик, таржима интерпретациясига катта эътибор қаратилди.

Таржимон воқеликни асарда кўрсатилгани даражасида билсагина бадий, ҳаққоний таржима ярата олади. Асл нусха муаллифидан воқеликни тўғри интерпретация қилиш талаб этилса, таржимондан – асл нусхани тўғри интерпретация қилиш талаб қилинади.

Бунда 3 ҳолатга эътиборни қаратиш лозим.

1) Асарнинг объектив маъносини аниқлаш.

2) Таржимоннинг интерпретациявий мавқеи.

3) Шу мавқедан туриб асарнинг объектив моҳиятини интерпретация қилиш – асарни таржима қилиш концепцияси ва нималарни ўзгартириш заруриятини аниқлаш. Демак, таржима ҳамма вақт муайян даражада интерпретациядир. Таржима интерпретацияси тўғри бўлиши учун унинг ибтидо нуқтасига асарнинг бош хусусиятларини асос қилиб олмоқ керак, унинг объектив қимматини сақлаш эса таржимоннинг мақсади бўлиши лозим.

Таржима интерпретацияси тушунчаси атрофида бошқа илмий қарашлар пайдо бўлишни бошлади ва таржима таҳлили ва таржима матнининг лингвистик ва экстралингвистик аспектларини чуқур таҳлил қилиш орқали таржимашуносликдаги муҳим масалалар устида илмий изланишлар бошланди. Масалан, таржимон маҳорати, билим ва компетенциялари ва уни шакллантириш йўллари ҳам таржимашуносликдаги ва таржима таҳлилидаги тадқиқотлар марказида турибди. Таржимоннинг ўз услуби, унинг ўзига хос ижодий сиймоси ҳам у амалга оширган таржимага таъсир кўрсатмасдан иложи йўқ. Таржимон танлаган услубнинг таржимачилигимизда янгилиги фақат сўзда эмас, аввало жумла тузишида

кўринади. Жумла – бу услуб калити ҳисобланади. Таржимон бир қатор муаммолар қаршисида туради.

Биринчидан: У – ижодкор, лекин ўзганинг ижоди билан иш кўради.

Иккинчидан: У Ватан адабиёти равнақи йўлида захмат чекади. Айни вақтда аслиятнинг миллийлигини сақлаш лозим.

Учинчидан: Таржимондан ўтмиш тўғрисида китобхонга тасаввур бериш (уйғотиш) талаб қилинади.

Тўртинчидан: Таржима қилиш жараёнида у ҳамма вақт ўз она тилида фикрлайди. Она тили унга таҳлил қуроли, синов мезони бўлиб хизмат қилади. Таржимон авторнинг ғоявий-эстетик дунёси, китобхонни ром этган жозибани ўқувчиларга етказишга бел боғлаган киши ҳисобланади.

Таржимон воқеликни асарда кўрсатилган даражасида билсагина уни қайта ярата олади. Воқеликни қайта яратиш – таржимондан кенг тасаввурга эга бўлишини ҳамда матн «интерпретацияси» устида ижодий меҳнат қилишни тақозо этади. «Таржима амалиёти ва назарияси, соҳалари, турлари, жанрлари – булар барчаси бир-бири билан боғлиқ бўлган яхлит муаммо ҳисобланади. Ана шу яхлит муаммонинг асосий компонентларидан бири таржимон кадрлар тайёрлаш муаммосидир. Бу масалани ҳал қилмай туриб, таржималарнинг сифатини яхшилаб бўлмайди, таржима маданиятини юксалтирмай туриб-умумий маданий савияни кўтариш мумкин эмас.

Таржимон масаласи – муаммолар муаммоси бўлиб қолмоқда, негаки, унга ёзувчилик, закийлик (зеҳни ўткир, идрокли) қобилиятли, етук филолог билимига эга, ҳамда ўзи таржима қилаётган соҳасида фан билан шуғулланувчи киши бўлиш талаби қўйилади. Айнан шу сабабли, авторнинг фикрича, дунёдаги барча мамлакатларнинг олий ўқув юртларида бадиий асарлар таржимонларини махсус тайёрлаш тажрибасини ҳозирги қараганда кенгроқ миқёсда олиб бориш керак.

- Таржимонларни ўқитиб тайёрланади, - дейди профессор Б.Тоҳирбоев.

– Бироқ бу таълим «мендай ўғир, мен билан бирга ўғир, мендан яхшироқ

ўғир» қабиллидаги қуруқ маслаҳатдан нарига ўтмайди. Аммо бўш келмаслик керак: ҳамма гап шундаки, таржимон бўлиш учун таҳсил кўрадилар, зотан, биттадан кўп тилни эгаллаш таржима қилиш учун фақатгина зарурий, лекин сира ҳам етарли бўлмаган шарт. Таржимоннинг профессионал кўникмалари унинг ўқиши ва мустақил мутолааси натижасида ёки ҳар иккала усулни кўшиб олиб бориш орқали эгалланади, сайқалланади, такомиллашади.

Хулоса қилиб айтганда, таржима таҳлили таржимада лингвистик назария шаклланиши билан бирга ривожланган. Таржима матнинг лингвистик ва экстралингвистик таҳлили нисбатан янги қарашлар деб айтишимиз мумкин. Таржима матнинг лингвистик ва экстралингвистик таҳлили Мундэй, Венути, Фрейзер, Норд, Гараева, Гиниятулина ишларида ўз аксини топган. Сўнги йилларда таржима матнини таҳлил қилишнинг турли моделлари яратилган ва таржима матнини таҳлил қилиш учун зарур билим, малака ва кўникма турлари белгилаб берилган.

Ўзбекистонда таржима таҳлилида илмий изланишлар сўнги йилларда ривожланмоқда ва асосан таржимашуносликнинг долзарб масалалари ва таржимон тайерлаш, хусусан таржимон билимлари ва компетенцияларини шакллантириш нуқтаи назаридан ендошувлар кузатилмоқда.

### **Машқлар:**

1. Таржима таҳлилидаги замонавий тадқиқотлар (ўз йўналишингиз доирасида ўзбек, инглиз, рус, француз, немис тили ва ҳоказо) маълумот (literature review) тайёрлаб келинг.

### **Саволлар:**

1. Таржиманинг лингвистик назарияси қачон пайдо бўлган?
2. Таржиманинг лингвистик назарияси қайси олимлар ишларида акс этган ва асосий тушунчалар нималардан иборат?
3. Таржима таҳлилининг моҳияти?
4. Таржиманинг лингвистик таҳлилида қайси омиллар нуқтаи назаридан ёндашилади?
5. Таржиманинг экстралингвистик таҳлилининг асосий аспекти?

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### Keys bilan ishlashga 1 ta o'quv mashg'ulo1-variant

Keys bilan ishlashga 1 ta o'quv mashg'uloti ajratilgan. Keys o'lchami unchalik katta emas .

1. Keys bilan yakka tartibda tanishish.
2. Keys bilan jamoa bo'lib ishlash:
  - 2.1. Aqliy hujum: - muammoli vaziyatni hal etish g'oyalari generatsiyasi.
  - 2.2. Jamoaning bahosi va ustuvor g'oyalarning tanlanishi.
3. O'qituvchi rezyumesi.
4. Tinglovchilarning o'quv yutuqlarini baholash

### 2-variant

Keys bilan ishlashga 1 ta o'quv mashg'uloti ajratilgan. Keys o'lchami unchalik katta emas.

1. Keys bilan yakka tartibda ishlash.
2. Jamoaning muammoli vaziyatni tahlil qilish va hal etish, bunday amaliy vaziyatdagi faoliyat bo'yicha tavsiyalarni ishlab chiqishga qaratilgan munozarasi.
3. O'qituvchi rezyumesi.
4. Tinglovchilarning o'quv yutuqlarini baholash

### 3-variant

Keys bilan ishlashga 1 ta o'quv mashg'uloti ajratilgan. Keys o'rtacha o'lchamli.

1. Keys bilan auditoriyadan tashqari vaqtda yakka tartibda ishlash.
2. Auditoriyada ishlash:
  - 2.1. Kichik guruhlarda ishlash: keys bilan yakka tartibda ishlash natijalarini muhokama qilish bo'yicha kichik guruhlardagi ishlar; jamoaning muammo yechimi bo'yicha taklif qilingan muqobil variantlarni tahlil qilishi va baholashi, ustuvor g'oyani tanlashi; muammoli vaziyatni hal etish dasturining ishlab chiqilishi.
  - 2.2. Guruh ishi taqdimoti.
  - 2.3. Muammoli vaziyat yechimi bo'yicha taklif etilgan variantlarning jamoadagi muhokamasi.
3. O'qituvchi rezyumesi.
4. Tinglovchilarning o'quv yutuqlarini baholash

### **Таҳлил босқичлари**

#### **Таҳлил босқичлари аспектларини тўлдириш**

- I. Таржимадан олдинги таҳлил босқичи (перепереводческий анализ текста)
- II. Таржима жараёнидаги таҳлил (вариантлар танлаш)
- III. Таржимадан кейинги таҳлил

### **Таржима таҳлили методологияси**

**Қуйидаги таржима компетенцияларини шакллантириш усуллари, машқларига мисоллар келтириш**



№		Таржимоннинг профессионал компетенцияси
1.	Коммуникатив компетенция	индивидуалнинг умумий компетенцияси унсурлари билан ўзаро боғлиқ бўлган ва индивид учун нутқ фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш имконини берувчи лингвистик, социолингвистик ва прагматик компетенциялар комплекси сифатида белгиланиши мумкин
2.	Тил компетенцияси	бу тил бирликлари функциясининг тизимли қондаларини билишгина эмас, балки нутқ малакаси даражасида тил материалини билиш, яъни муайян мазмунни ифодаловчи гапларни тўғри тузиш
3.	Таржимонлик компетенцияси	барча ҳолатларда ҳам эмас, балки муайян мавзудаги, аниқ бир стилистик жанрдаги матнларни таржима қилишдаги билим, малака ва кўникма, таржимонга мақбул бўлган таржима усуллари прагматик компоненти сифатида тавсифлаш мумкин
4.	Техник (ёки технологик) компетенция	таржима жараёнида учрайдиган типик «техник» қийинчиликларни бартараф этишга ҳамда турли хил вазифаларни бажаришга кўмаклашувчи таржимоннинг асосий малакалари киради
5.	Шахсий компетенция	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ихтисослик бўйича матнлар профессионал таржимонлар гуруҳи кадрларнинг ориентацияси ва менталитетига кириб бориш;</li> <li>- ихтисослик бўйича матнлар таржимасида касбий шаън ва кадр қондаларига риоя қилиш;</li> <li>- таржима қилинаётган ахборот/маълумотнинг аниқлиги ва адекватлиги учун жавобгарлик, мукамаллик ва мустақил ўқишга тайёрлик;</li> <li>- ностандарт касбий вазиятларга мослашиш қобилияти;</li> <li>- фикрлаш: амалий, репродуктив, продуктив, мантиқий, таҳлилий-мантиқий, интуитив;</li> <li>- кенг илмий ва маданий дунёқараш;</li> <li>- ўз хотираси манбаларини сафарбар этиш қобилияти;</li> <li>- ўз фикрини тўғри тақсимлаш қобилияти;</li> <li>- хушмуомалалик, фикрни бир жойга жамлаш, қузатувчанлик, шахсий танқид, такт, камтаринлик ва жисмоний бардошлилик</li> </ul>

## Таржима таҳлили

### Бадиий таржима таҳлили

Виллиям Шекспир “Хамлет” Хамлет монологининг М. Шайхзода таржимасини таржимоннинг лингвистик ва экстралингвистик таҳлили босқичларига асосан таҳлил қилинг.

## VI. ГЛОССАРИЙ

Экстралингвистик омиллар	Матннинг коннотатив, прагматик, лингвокультурологик, психоллингвистик, когнитив, этнолингвистик хусусиятлари ва матн муаллифи, муаллиф интенцияси, матн реципиенти, маълумотни етказиш усули, жойи, вақти, сабаби ва коммуникатив ҳолат кабилар аспектлар
Сўз ўзлаштириш	таржима жараёнида бир сўзни бир тилдан бошқа тилга тўғридан-тўғри олиб ўтиш
Калькалаш	хорижий тил сўзи ёки ибораси бошқа тилга таржима қилинади ва шу тил таркибига кириб кетади. Аслият тилидаги лексик бирликнинг ўзига хос бўлган белгиларидан фойдаланиб таржима тилида эквивалент сўз яратиш учун сўзма-сўз таржима қилинади.
Гапларни бирма-бир таржима қилиш	сўзлар, гаплар сўзма-сўз таржима қилинади, грамматик структура сақлаб қолинади
Транспозиция	сўз туркумининг ўзгариши, яъни феъл отга, от предлогга ўзгариши
Модуляция	тушуниш нуқтаи назаридан лексик бирликнинг ўзгариши
Эквивалентлик	бунда худди шундай вазият учун бутунлай бошқа муқобил ибора ишлатилади, яъни мақоллар ёки идиоматик ифода воситалари буларга мисол бўла олади.
Маданий эквивалентлик	таржимон аслият тилидаги маданий сўзни таржима тилидаги маданий сўз билан алмаштиради
Тасвирий эквивалентлик	лексик бирликни билдирувчи сўзнинг маъноси бир неча сўзларда тушунтирилши
Функционал эквивалентлик	таржима тили лексикасида сўз аслият тили лексикасидаги бир хил вазифани бажарувчи матн услубига мос келадиган сўз билан алмаштирилиши

Мослаштириш	Бу усулда, одатда, бирор термин махсус аудитория ёки таржимоннинг махсус мақсади учун кўпроқ мос келадиган матн яратиш учун керак бўладиган ўзгаришлар амалга оширилади
Компенсация	Аслият матнидаги маълумотнинг бирор лексик бирлиги ёки стилистик таъсири таржима матнида айнан ўз жойида эмас, балки матннинг яна бошқа бир жойида қайта яратилади
Кенгайтириш	таржима тилида синтактик ва лексик бўшлиқларни йўқотиш учун кўпроқ маънога эга тушунчалардан фойдаланиш

## **VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаётовон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли қонуни.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрь “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

1. Солдатова Л. Лингвистические и экстралингвистические основы вариантности перевода, Lambert Academic Publishing, 2002
2. Гришаева, Л. И. Особенности использования языка и культурная идентичность коммуникантов, ВГУ, Воронеж, (2007). 272 с.
3. Бигич, О.Б. Методика формирования межкультурной иноязычной коммуникативной компетенции: Курс лекций / [О.Б. Бигич и др.]; под ред. С.Ю. Николаевой. - К., 2011.
4. Гафуров И, Мўминов О, Қамбаров Н. Таржима назарияси. –Т.: Тафаккур-Бўстон, 2012. – 216 б.
5. Гарбовский Н.К. Теория перевода: Учебник. М.: Изд-во Моск. ун-та, 2014.
6. Тожибоев И. Таржима назарияси ва амалиёти фани бўйича маъруза ишланмалар. Наманган Давлат Университети. Наманган, 2018
7. Борисова Л.И., Т.А. Парфенова. - Справочник по специальному переводу. М.: НВИ-тезаурус, 2010.
8. Munday, J. 2001. Introducing translation studies: Theories and applications. Routledge

### **Интернет сайтлари**

1. <https://cyberleninka.ru/article/n/lingvokulturologicheskaya-model-perevoda>
2. <https://cyberleninka.ru/article/n/suschnost-mezhyazykovoy-kommunikatsii>
3. <http://linguists.narod.ru/downloads.html>
4. <http://www.durov.com/study/1126965784-307.html>
5. <http://youreng.narod.ru/teoper.html>
6. <http://tpot.ru/index.html>
7. <http://www.langinfo.ru>
8. <http://www.lingvoda.ru/forum/actualthread.aspx?bid=2&tid=244>
9. <http://www.twirpx.com/rss/category/4175/>
10. <http://www.twirpx.com/file/311224/>